

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 “ НОЯБРЬ ” 2017 й. г. № 936

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги
олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари
хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Эл-юртимиз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонийлик шаъни, қадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат марказининг:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейини (кейинги ўринларда Музей деб аталади);

ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Қатағон қурбонлари хотираси музейларини (кейинги ўринларда ҳудудий музейлар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

а) Музейнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мустабид тузум давридаги қатағон сиёсатининг сабаблари ва фожиали оқибатларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни ҳаққоний ёритиш мақсадида музей экзпозициясини ташкил этиш;

музей фондлари ва экспонатларини мамлакатимиз ва хориждаги қатағон сиёсати билан боғлиқ турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориш;

қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш;

қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, ижодий меросини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

республика таълим муассасалари билан ҳамкорликда музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш, Музейнинг илмий базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

худудий музейларга услубий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) худудий музейларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

худудларда мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган, қатоғон этилган аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва музей экспозициялари орқали кенг жамоатчиликка тарғиб этиш;

музей фондини бойитиш мақсадида худудларда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабалари иштирокида мунтазам равишда экспедициялар ташкил этиш;

худудлардаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида мавзули экскурсиялар, маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ва кўргазмалар ўтказиш;

музей экспозицияларини ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этиладиган худудлардаги олий таълим муассасаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Худудлардаги олий таълим муассасаларининг тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг устави 4-иловага мувофиқ;

Худудлардаги олий таълим муассасаларининг тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг намунавий низоми 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Музей директорига, зарур бўлганда, Музей тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Музей ва худудий музейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

а) Музей бўйича:

Музейни сақлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) ҳудудий музейлар бўйича:

олий таълим муассасаларининг ҳудудий музейларни сақлаш учун ажратиладиган бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт микдорининг оширилган қисми);

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудий музейларга уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига мос бинолар ажратилишини ва уларга ҳудудий музейлар белгиланган тартибда жойлаштирилишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, зарур ҳолларда ҳудудий музейлар учун ажратилган биноларни таъмирлаш ҳамда уларни мебель ва замонавий техник воситалар, шу жумладан интерактив инфокиоск ва мониторлар, стенд ва подиумлар билан жиҳозлаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ва тегишли олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Музей Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “ЎзАрхив” агентлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар ҳудудий музейлар экспозицияларини яратиш, мустамлакачилик ва қатағон даврига оид ҳужжатлар, кино, фоно, фотоматериаллар ва ашёлар билан тўлдиришни таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Музей Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Музей директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Музей юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

худудий музейлар фаолиятини амалга ошириш учун тегишли олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича алоҳида ғазначилик шахсий ҳисобварақлари очилади, белгиланган тартибда даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланади;

Музей ва худудий музейлар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

худудий музейлар идоравий мансублик жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, услубий жиҳатдан Музейга бўйсунди;

худудий музейлар директорлари тегишли олий таълим муассаси ректори томонидан Музей директори ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Музей билан биргаликда бир ой муддатда худудий музейларни малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси худудидаги бино Музейга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Маданият вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2018-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда Музейни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни реконструкция қилиш учун зарур марказлашган капитал қўйилмалар лимитларини назарда тутсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, Музейни замонавий техник воситалар, шу жумладан интерактив инфокиоск ва мониторлар, стенд ва подиумлар билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар Музейни асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Музейни замонавий техник воситалар, шу жумладан, интерактив инфокиоск ва мониторлар, стенд ва подиумлар билан жиҳозлаш ва 1 та автотранспорт воситасини харид қилиш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги параметрларида назарда тутсин.

13. Музейга 2 та, жумладан, 1 та шахсий бириктирилган ва 1 та махсус автотранспорт воситалари учун лимит ажратсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

бир ой муддатда Музейни зарур алоқа турлари ва воситалари, жумладан, Ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин, шунингдек, кенг қамровли интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратсин;

икки ой муддатда Музей ва ҳудудий музейларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда мавзуга оид виртуал экскурсиялар ташкил этиш, Музей ва ҳудудий музейлар экспозицияларида сенсорли ахборот кноекларини ўрнатиш ҳамда Қатағон қурбонлари хотираси виртуал музейини ташкил этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Музей ва ҳудудий музейларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш, моддий-техника базасини ривожлантириш, экспозицияларни доимий тўлдириб бориш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов, Маданият вазири Б.С.Сайфуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «22» ноябрдаги
936 - сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг
ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 20 нафар.
Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.
*) *Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонуни ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «22» ноябрдаги
936 - сон қарорига
2-илова

**Қатағон қурбонлари хотираси музейлари
ташқил этиладиган ҳудудлардаги олий таълим муассасаларининг
РЎЙХАТИ**

т/р	Ҳудуд номи	Музей ташқил этиладиган олий таълим муассасаси номи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоқ давлат университети
2.	Андижон вилояти	Андижон давлат университети
3.	Бухоро вилояти	Бухоро давлат университети
4.	Жиззах вилояти	Жиззах давлат педагогика институти
5.	Навоий вилояти	Навоий давлат педагогика институти
6.	Наманган вилояти	Наманган давлат университети
7.	Самарқанд вилояти	Самарқанд давлат университети
8.	Сирдарё вилояти	Гулистон давлат университети
9.	Сурхондарё вилояти	Термиз давлат университети
10.	Тошкент вилояти	Чирчиқ давлат педагогика институти
11.	Фарғона вилояти	Фарғона давлат университети
12.	Хоразм вилояти	Урганч давлат университети
13.	Қашқадарё вилояти	Қарши давлат университети

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «**22**» ноябрдаги
936 - сон қарорига
3-илова

**Худудлардаги олий таълим муассасаларининг тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 4 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “22” ноябр даги
936 -сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг (кейинги ўринларда Музей деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Музей ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

3. Музей ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ва бўйсунди.

4. Музей ўз фаолиятида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Музей юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Музей жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, “Шаҳидлар хотираси” майдони, 100184.

7. Музейнинг расмий номи:

давлат тилида – O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qatag‘on qurbonlari xotirasi davlat muzeyi;

рус тилида – Государственный музей Памяти жертв репрессий при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

инглиз тилида – State museum in memory of the victims of the repressions under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

2-боб. Музейнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Музейнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мустабид тузум давридаги қатагон сиёсатининг сабаблари ва фожиали оқибатларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни ҳаққоний ёритиш мақсадида музей экспозициясини ташкил этиш;

музей фондлари ва экспонатларини мамлакатимиз ва хориждаги қатагон сиёсати билан боғлиқ турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориш;

қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш;

қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг ижодий меросини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

республика таълим муассасалари билан ҳамкорликда музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш, Музейнинг илмий базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

худудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Қатагон қурбонлари хотираси музейларига (кейинги ўринларда худудий музейлар деб аталади) услубий ёрдам бериш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

9. Музей ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) мустабид тузум давридаги қатагон сиёсатининг сабаблари ва фожиали оқибатларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни ҳаққоний ёритиш мақсадида музей экспозициясини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистоннинг мустабид тузум давридаги тарихини бирламчи манбалар, архив ҳужжатлари, матбуот материаллари асосида атрофлича тадқиқ этади;

илмий изланишлар натижасида жамланган тарихий материаллар ва музей ашёлари асосида музей экспозициясини яратади ва такомиллаштиради;

музей экспозицияларини ташкил қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади;

хорижий мутахассислар томонидан нашр этилган қатагон даврига оид замонавий илмий ва сиёсий, бадиий адабиётлар электрон базасини яратади;

республиканинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боради;

хорижий мамлакатларнинг турдош музейлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан биргаликда белгиланган тартибда илмий изланишлар олиб боради;

қатагонлар туфайли қурбон бўлган мутафаккирлар, машхур фан ва адабиёт арбоблари шарафига бағишланган республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар, семинарларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

б) музей фондлари ва экспонатларини мамлакатимиз ва хориждаги қатагон сиёсати билан боғлиқ турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориш соҳасида:

республика ва хорижий мамлакатларнинг архивлари ҳамда кутубхоналарида сақланаётган ҳужжатлар ва бирламчи манбалар бўйича илмий изланишлар олиб боради;

республиканинг турли ҳудудлари ҳамда хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириш асосида янги музей ашёларини тўплайди;

қатагон қурбонлари авлодларининг хотиралари ва оғзаки тарих материаллари асосида монографиялар, илмий рисоалар тайёрлайди;

в) қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш соҳасида:

музей йўналиши бўйича ўтказилиши режалаштирилган анжуманлар ва турли тарихий саналар муносабати билан кўргазмалар ташкил этади;

қатагон қурбонлари авлодлари ва ёшлар иштирокида хотира кечалари ҳамда давра суҳбатлари уюштиради ва ўтказилади;

алоҳида буюртмалар асосида қатагон этилган ватандошларимизнинг уй-музейлари экспозицияларини ташкил этишда иштирок этади;

хорижий мамлакатларда музейшунослик соҳаси ва тарихий мавзуларда ўтказиладиган халқаро анжуманларда иштирок этади;

г) қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг ижодий меросини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш соҳасида:

қатагон қурбонлари бўлган давлат ва жамоат арбоблари, фан, адабиёт намоёндаларининг республика ва хориждаги мавжуд илмий, адабий, публицистик меросини аниқлайди ва жамлайди;

мустамлакачилик, шу жумладан қатагон сиёсати ва унинг қурбонларига бағишланган монографиялар, альбомлар, китоблар нашр этади, ҳужжатли фильмларни суратга олади, матбуотда мақолалар эълон қилади, тўпланган материалларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилади;

д) республика таълим муассасалари билан ҳамкорликда музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш, Музейнинг илмий базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш соҳасида:

таълим муассасалари билан инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномаларини тузади ва улар асосида музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлайди.

музей етакчи олимларининг олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида қатнашишлари, талаба ва докторантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилишлари учун зарур чораларни кўради;

катагон даври тарихига оид илмий фаолият билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга музей фонди материалларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этади;

е) ҳудудий музейларга услубий ёрдам бериш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш:

худудий музейлар учун экспозициянинг намунавий концепцияси ва намунавий тематик режасини ишлаб чиқади ҳамда шу асосда тайёрланган ҳар бир ҳудудий музей экспозицияси концепцияси ва тематик режасини тасдиқлайди;

худудий музей экспозициясини яратишда, уни бойитиб боришда услубий ва амалий ёрдам беради;

худудий музейларнинг йиллик иш режаларини кўриб чиқади ва зарур тавсияларни беради.

3-боб. Музейнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Музей ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш ҳамда бундай тадбирларда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот ишларига республикадаги ва хориждаги мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

Музей ходимлари ва жалб қилинган мутахассисларни хорижий илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасаларига илмий тадқиқотларни амалга ошириши учун юбориш;

Музей фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш, асосий фондларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

худудий музейлар фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш;

Музейда ходимларнинг моддий рағбатлантириш фондиди тузиш.

Музей қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Музейнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Музей ашёлари ва коллекцияларининг жисман бут сақланиши ҳамда хавфсизлигини;

Музей ашёлари ва коллекциялари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилиши ҳамда бут сақланишини;

Музей ашёлари ва коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим мақсадларида фойдаланилишини таъминлаш.

12. Музей ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва унинг ихтиёридаги бошқа маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

4-боб. Музей фаолиятини ташкил этиш

13. Музейга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

14. Музей директори:

Музей фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Музейга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Музей номидан вакиллик қилади;

Музей ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва Музейга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Музейнинг илмий, илмий-техникавий, маъмурий фаолиятининг йўналишларини белгилайди, унинг йиллик ва истикболдаги иш режаларини белгиланган тартибда тасдиқлайди, илмий-тадқиқот ва бошқа жараёнларни ташкил этади:

аниқ мақсадга йўналтирилган дастур ва танлов мавзуларини, шунингдек, алоҳида топшириқ ва буюртмаларни амалга ошириш мақсадида Музейда вақтинчалик тадқиқот гуруҳини ташкил этади;

Музейда ижро интизоми ҳолати бўйича бевосита раҳбарликни амалга оширади;

Музей таркибий бўлинмалари низомини ва Музей ходимларининг функционал вазифаларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўз ваколати доирасида ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

зарур бўлганда, Музейнинг таркибий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

ўз ваколати доирасида Музей ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқларни қабул қилади;

Музей фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Директор конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

14. Музей директори вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини бажариш директор ўринбосарларидан бирининг зиммасига юкланади.

15. Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари:

Музей таркибий бўлинмаларининг ишларини ташкил қилади ҳамда Музейга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда бўлимларда ижро интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳасини ва материалларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Музей иш режасида, шунингдек мутахассисларнинг шахсий иш режаларида назарда тутилган тадбирларни талаб қилинадиган давр мобайнида амалга ошириш ва мувофиқлаштиришни таъминлайди ҳамда ўрганилган масалаларнинг танқидий таҳлили асосида Музей директорига муҳокама учун таклифлар киритади;

Музей директорига бўлимлар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, мукофотлаш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади;

вазифалар тақсимотида кўра бошқа тегишли ваколатларни ҳам амалга оширади.

16. Директорнинг умумий ишлар бўйича ўринбосари:

Музей хўжалик фаолияти билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради. Музей биноси, автотранспорт воситаси, асбоб-ускуналар, техника воситаларини сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш ва ўрнини тўлдириб бориш, шунингдек бинолар ва уларнинг атрофидаги тозалikka риоя этилишини таъминлайди;

Музей директорига ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни мукофотлаш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади.

17. Бош муҳофиз (фонд бўлими бошлиғи):

барча музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олади;

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини нобуд бўлиш ва ўғирланишдан химояланган ҳолда сақлаш чораларини кўради;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ва уларни сақлашга оид барча ҳужжатларни юритади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш, сақлаш, таъмирлаш ва қўриқлашнинг ички тартибларини ишлаб чиқади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш, сақлаш, таъмирлаш ва қўриқлаш, уларни жойдан-жойга кўчириш ишларининг тўғри олиб борилиши устидан назоратни таъминлайди;

Бош муҳофиз (фонд бўлими бошлиғи) музей директорининг қонун ҳужжатларига зид бўлган топшириғини олган тақдирда, уни бажаришдан олдин топширик зид эканлигини директорга ёзма равишда билдиради.

Агар, директор ўз топшириғини ёзма равишда қайта тасдиқласа, бош муҳофиз дарҳол бу ҳақда Музей бевосита бўйсунадиган юқори бошқарув органини хабардор қилиши шарт.

18. Музейнинг илмий-тадқиқот ва экспозиция масалаларини ҳал этиш учун жамоатчилик асосида Илмий кенгаш тузилади.

19. Илмий кенгаш таркибига директор (кенгаш раиси), унинг ўринбосарлари, бўлим мудирлари, шунингдек илмий ходимлар ҳамда бошқа илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда юқори малака ва тажрибага эга бўлган (илмий даражаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар) соҳа мутахассислари киради.

20. Ушбу Кенгаш музейнинг фаолиятини мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар жараёнига мақбул тарзда мувофиқлаштириб борадиган коллегиял орган ҳисобланади.

21. Қуйидагилар Музей фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Музейни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

халқаро молиявий институтлар, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5-боб. Яқунловчи қоида

22. Музейни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «**22**» **ноябрдаги**
936 - сон қарорига
5-илова

**Худудлардаги олий таълим муассасаларининг
тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг
НАМУНАВИЙ НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом худудлардаги олий таълим муассасаларининг тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларини (кейинги ўринларда худудий музейлар деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Худудий музейлар идоравий мансублик жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, услубий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейига (кейинги ўринларда Музей деб аталади) бўйсунди.

3. Худудий музейлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Худудий музейлар ўз фаолиятида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5. Худудий музейлар юридик шахс мақомига эга бўлмайди, худудлардаги олий таълим муассасаларининг тузилмасида ташкил этилади.

2-боб. Худудий музейларнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар худудий музейларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудларда мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган, қатағон этилган аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва музей экспозициялари орқали кенг жамоатчиликка тарғиб этиш;

музей фондиди бойитиш мақсадида худудларда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабалари иштирокида мунтазам равишда экспедициялар ташкил этиш;

худудлардаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида мавзули экскурсиялар, маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ва кўргазмалар ўтказиш;

мақсадида мавзули экскурсиялар, маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ва кўргазмалар ўтказиш;

музей экспозицияларини ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.

7. Худудий музейлар ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) худудларда мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган, қатогон этилган аجدодларимиз ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва музей экспозициялари орқали кенг жамоатчиликка тарғиб этиш;

худудда қатогон сиёсатининг сабаблари ва оқибатларини, эрк ва озодлик йўлида зулм ва зўровонликка қарши халқ кураши тарихини тадқиқ этиб, тадқиқот натижаларини худудда истиқомат қилаётган оммага етказиш ва уни худуд тарихининг таркибий қисми сифатида ақс эттиради, уларда аждодлар хотирасига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантиради;

алоҳида буюртмалар асосида қатогон этилган ватандошларимизнинг уй-музейлари экспозицияларини ташкил этишда иштирок этади;

мустамлакачилик, шу жумладан қатогон сиёсати ва унинг қурбонларига бағишланган монографиялар, альбомлар, китоблар нашр этади, ҳужжатли фильмларни суратга олади, матбуотда мақолалар эълон қилади, тўпланган материалларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилади;

б) музей фондиди бойитиш мақсадида худудларда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабалари иштирокида мунтазам равишда экспедициялар ташкил этиш соҳасида:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий ва илмий-техник муассасалар, нодавлат ношаро ташкилотлари ва худуддаги бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли илмий ҳамкорликни ривожлантиради ва такомиллаштиради;

музейнинг етакчи олим ва мутахассислари томонидан худуддаги олий таълим муассасаларида маъруза машғулоти ўтказилишини, музейда талабаларнинг малакавий амалиёт ўташи ва битирув малакавий ишлари тайёрланишини ташкил этади;

худуддаги олий таълим муассасалари билан инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномаларини тузади ва уларнинг асосида худудий музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулоти ўтказилишини таъминлайди;

худуддаги қатогон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини шакллантириш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширади ва тарғиб этади.

в) худудлардаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда қатогон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш

мақсадида мавзули экскурсиялар, маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ва кўргазмалар ўтказиши соҳасида:

фуқароларни ва айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидоий ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда иштирок этади;

эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, орномусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни химоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш юзасидан тадбирлар ташкил этади;

худудий музей фондлари ва экспозицияларини мамлакатимиз ва худуддаги ҳамда хориждаги турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб боришни таъминлайди.

2) музей экспозицияларини ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш соҳасида:

музей экспозицияларини ташкил қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади;

жаҳондаги машҳур музейларнинг бой тажрибасини таҳлил қилади ва улардан амалиётда фойдаланиш чораларини кўради;

худудий музейлар экспозицияларини ташкил қилиш ва тарғиб этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқади.

3-боб. Худудий музейларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Худудий музейлар ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида мустамлакачилик даври тарихида эрк ва озодлик йўлида ўз жонини фидо қилган аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва музей экспозицияси орқали кенг жамоатчиликка тарғиб этиш масалаларини мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун шартнома асосида ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан чет эллик олимлар ва мутахассисларни жалб этиш;

ўз фаолиятида худудий олий таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамғармалар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликни амалга ошириш;

Худудий музейлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Худудий музейларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

музей ашёлари ва коллекцияларининг жисман бут сақланиши ҳамда хавфсизлигини;

музей ашёлари ва коллекциялари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилиши ҳамда бут сақланишини;

музей ашёлари ва коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим мақсадларида фойдаланилишини таъминлаш.

4-боб. Худудий музейлар фаолиятини ташкил этиш

10. Худудий музейлар директорлари Музей директорининг Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда тақдим этган тавсиясига асосан тегишли олий таълим муассаси ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Худудий музейлар фаолиятини амалга ошириш учун тегишли олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича алоҳида ғазначилик шахсий ҳисобварақлари очилади, белгиланган тартибда даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланади.

Худудий музейлар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

Худудий музейлар таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Худудий музейлар директорлари:

худудий музейлар фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда худудий музейларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

худудий музейлар ходимлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

худудий музейлар ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига, лавозимлар йўриқномаси талабларига ҳамда хизматга оид ҳужжатлар билан ишлаш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

давлат органларида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва судда, бошқа ташкилотларда худудий музейлар номидан вакиллик қилади ва худудий музейлар манфаатини ҳимоя қилади;

худудий музейлар ходимларини ишга қабул қилиш ва озод қилиш бўйича тегишли олий таълим муассаса раҳбариятига таклиф киритади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Қуйидагилар худудий музейларни фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

олий таълим муассасаларининг худудий музейларни сақлаш учун ажратиладиган бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми);

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5-боб. Яқунловчи қоида

13. Ҳудудий музейларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

